



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 25 декабрь, № 249 (4659)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2009 йил 4 январь якшанба
дам олиш кунини
2009 йил 2 январь жумага
кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда аҳолини дам олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 4 январь якшанба дам олиш кунини 2009 йил 2 январь жумага кўчирилсин. 4 январь якшанба кунини иш кунини деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 декабрь

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши
йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгаш йиғилишида Бош прокуратура, Ички ишлар вазири ва Миллий хавфсизлик хизматининг масъул ходимлари иштирокида диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, тергов қилиш, қидирув ишларини юритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрда қабул қилинган "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод

этиш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлашга оид масала муҳофизат қилинди. Таъкидланганидек, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва уларни тузалиш йўлига йўналтиришда мавжуд имкониятлардан етарли

(Давоми 2-бетда).

БУ ЎЛКАДА БАЙРАМЛАР БИР-БИРИДАН ГЎЗАЛ НИШОНЛАНАДИ

Мамлакатимизда Янги йилни кўтаринки руҳда ўтказиш учун қизгин тайёргарлик қилинмоқда. Байрам арафасида Тошкент майдонларида, боғлари ва кўчаларида қўллаб сайёҳларни учратиш мумкин. Ўза мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.



Фелипе Родригес
ФЕРНАНДЕС (Испания):

— Ўзбекистонга уч йил аввал Наврўз байрами арафасида келган эдим. Ушанда юртингизда ушбу айём катта тантана билан нишонланганига гувоҳ бўлганман. Уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи бўлган Наврўз байрамини халқининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, Мустақиллик майдонини бунёд этилган "Эртақлар шаҳарчаси" менда унутилмас таассурот уйғотди. Бу ерда на-

моийш этилаётган байрам томошалари нафақат кичкинтойларга, балки катталарга ҳам жуда манзур бўлаётди.

Накосика ТАНАКА (Япония):

— Тошкентга келишим билан байрам шукрунинг гувоҳи бўлдим. Меҳмонхоналарда, супермаркет ва дўконларда, кўча ва майдонларда байрам нафаси уфуриб турибди. Безатилган арчалар, бозор расталаридаги турфа ўйинчоқ ва ранг-баранг совғалар киши кўзини қувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, кўлаб миллат ва эллат вакиллари аҳил-иноқ бўлиб, фаровон, осуда ва тинч-тотув ҳаёт кечираётгани Ўзбекистонда барча миллатларга кўрсатилаётган улкан эътибордан далolatдир.

(Давоми 2-бетда).

Темир йўл хизмати:

ТЕЗКОР, ИШОНЧЛИ, ҚУЛАЙ

Президентимиз раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган ислохотлар ўзининг қутилган натижаларини бермоқда. Мамлакатнинг қон томири ҳисобланган темир йўллар барпо этиш борасида қўлга киритилган натижалар бунинг ёрқин далилидир. Айниқса, "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли "аср қурилиши" сифатида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яна бир бор намоён этди.



Нафақат янги темир йўллар қурилмоқда, балки мавжудларини замонавий андозаларга мослаштириш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга ошириляётди. Буни "Ўзбекистон темир йўллари" ОАКнинг Навоий вилоятидаги "Тинчлик" локомотив депоси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Шу йилнинг ўрталарида депомизга 2 та янги "ТЭП-70" русумдаги тепловоз келтирилди, — дейди машинист Фаррух Неков. — Бу тепловозлар тезюрар йўловчи поездларига хизмат қилмоқда. Ана шу интилишлар самараси ўларок, "Навоий — Самарқанд", "Навоий — Бухоро", "Навоий — Қарши" тезюрар йўловчи поездлари қатнови йўлга қўйилганини мамуният билан айтиш мумкин. Мен ана шу тепловозлардан бирини бошқараётганимдан бахтиёрман...

ИСЛОХОТ

Дарвоқе, тезюрар йўловчи поездлар мамлакатимиз пойтахти билан вилоятлар марказини боғлаб, юрдошларимизнинг узогини яқин қилаётганидан хабарингиз бор. Муҳими, ушбу соҳадаги ислохотлар, интилишлару янгиланишлар босқичма-босқич давом эттирилмоқда.

СУРАТДА: машинистлар Комил Тоғаев, Фаррух Неков ва Уктам Жиянов. Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМФАРМАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Тошкент, 2008 йил 19 декабрь

Халқаро Валюта Жамфармаси Миссияси 2008 йил 8-19 декабрь кунлари Тошкентда бўлди. Миссияга Халқаро Валюта Жамфармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним бошчилик қилди.

Ташрифдан кўзда тутилган мақсад 2008 йилдаги иқтисодий ва молиявий ҳолатини ва жаҳон иқтисодиётида сўнгги лойиҳаларда рўй бераётган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, 2009 йилги иқтисодий ҳолатини ва расмий идораларнинг иқтисодий сибсати борасидаги режаларини баҳолашдан иборат эди. Миссия самарали ҳамкорлик ва ошқорани фикр алмашув учун расмий идораларга алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Жаҳон иқтисодиётида кредит инқирози давом

этайтган ва ривожланган давлатларда иқтисодий пасайиш кузатилаётган бир пайтда, 2008 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлиги сақлаб қолинди, яъни ички маҳсулотнинг реал ўсиши 9 фоизни (расмий маълумотларга кўра) ташкил этди, мамлакатда ташқи савдо баланси ва бюджетнинг сезиларли профицити кузатилди, валюта резервларининг ошиши давом этмоқда, банк тизими барқарорлиги сақланмоқда. Инфляция ўсишининг олди олинмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг жиддий пасайиши 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига унинг экспортга кирувчи хом ашё товарлари нарҳларининг тушиши, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор-давлатларида иқтисодий ўсишининг пасайиш кетиши хисобига экспорт товар-

ларига талабнинг камайиши, пул ўтказмаларининг қисқариши орқали таъсир этиши мумкин. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган давлатлар молия бозорлари билан тўлиқ интеграциялашганиги сабабли хорижий кредитлар ва капитал оқимининг кескин камайиши хисобидан жиддий зарар кўриш эҳтимоли йўқ.

Ўзбекистон ўзининг мустақам макроеқтисодий салоҳияти туфайли иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ иқтисодий сибсатини амалга ошириш учун катта молиявий имкониятларга эга. Жаҳондаги инқирознинг иқтисодий ўсишга салбий таъсирини юмшатиш учун молиявий барқарорлиқни таъминлаш ва инфляцияни пасайтириш билан бирга аниқ тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш зарур. Халқаро

Валюта Жамфармаси расмий идораларга ушбу масалалар юзасида ёрдам кўрсатишга тайёр.

Миссия умид қиладики, расмий идоралар томонидан ички талабни рағбатлантириш мақсадида кенг қамровли иқтисодий сибсатинг амалга оширилиши, хусусан, кенг қўламли солиқ-бюджет сибсати ва пухта ўйланган пул-кредит сибсати натижасида 2009 йилда, иқтисодий ўсишни бир оз пасайишига қарамай, иқтисодий ривожланиш сибсатининг ижобийлиги, савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдоси ва бюджет профицити сақлаб қолинди. Миссия жаҳондаги молиявий инқирозга жавобан протекционистик чораларни, валютани чеклашни, алмашув курсини кескин пасайишни қўлламаслигини тавсия этди.

Расмий идоралар ва

миссия банкларнинг иқтисодий фаолиятдаги ролини янада мустақамлаш муҳимлиги хусусида келишиб олдилар. Миссия расмий идораларга банкларни уларга хос бўлмаган функциялардан озод этиш ва пулларни узлуксиз берилишини давом эттириш орқали банк тизимига бўлган ишонччи янада мустақамлашни тавсия этди, банкларда давлат улушининг оширилиши ва давлатнинг банк фаолиятига аралашуви вақтинчалик эканлигини маъқуллади.

Миссия тўлов баланси бўйича маълумотларни такомиллаштиришда эришилган ютуқларни ва расмий идораларнинг миллий даромад ва нарҳлар статистикаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишига доир қўлай режаларини маъқуллади.

Фармон ва ижро

Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш давлатимиз раҳбари Ислам Каримов юритаётган сибсатнинг энг асосий йўналишларидандир. Бу эзгу тамойил ҳаётимизда тўла ўз ифодасини топиб келмоқда.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ОМБУДСМАН

Президентимизнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони демократик, сибсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим омили бўлмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминлашига хизмат қилаётган миллий институтлар тизимини изчил фаолият юритаётди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) шулардан бири.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар маълумоти ошчириш марказида инсон ҳуқуқлари оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштиришга бағишланган миссия фаолиятига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова бу ташкилот Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштиришга қўмаклашиш бўйича изчил фаолият юритаётганини таъкидлади. Бунда асосий эътибор жойларда инсон ҳуқуқларини таъминлашга

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTON КОНСТИТУЦИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ

Анкара шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Учрашувда Туркиянинг ҳуқуқат, сибсий, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари вакиллари, мамлакат парламенти аъзолари, фан арбоблари, журналистлар иштирок этди.

Йиғилганларга, Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни, юртимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида атрофича маълумот берилди. Давра

суҳбати иштирокчилари мамлакатимиздаги демократик янгиланиш жараёнларини юқори баҳолашди.

Бу хусусда гапириб, Туркия парламенти депутати, Конституцияга ўзгаришлар киритиш бўйича парламент комиссияси аъзоси Музаффар Гул Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида қабул қилинган Конституция 16 йил

давомида мамлакат маънавий, ижтимоий-сибсий ва иқтисодий тараққиёти, ҳар бир фуқаронинг муносиб ва фаровон ҳаёт кечириши ва албатта, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).



БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

Келажакка сармоя

2008 йилда олий ўқув юртралида ишлаётган профессор ва ўқитувчиларнинг ойлик маошлари 2 баробар ошди.

Давлатимизнинг бундай гамхўрлиги устозлар ва мураббийларнинг эзгу меҳнатини кадрлаб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантирибгина қолмай, шу билан бирга, мамлакатимизда ҳар томонлама етуқ, меҳнат бозорига рақобатбардош мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштиришда олий таълим тизимининг роли ва масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилади.



(Давоми 2-бетда).

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

АБДУЛЛА ТАҒРИЕВ – ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИСИ



Маълумки, "Спорт" ва "Ўзбекистон футбол" газеталари тахририяти ташаббуси билан шу соҳада қалам тебратётган журналистлар ўртасида "Йилнинг энг яхши спортчиси, ҳақами, мураббийи, жамоаси" сўровномаси анъанавий тарзда ўтказиб келинади.

Навбатдаги сўровномада республикамиздаги марказий газеталар, телевидение ва радиода ишлайдиган 81 нафар журналист иштирок этди. Сўровномада қатнашган ижодкорларнинг 36 нафари жорий йил Пекинда ўтказилган 29-ёзи Олимпиадада ўйинлари кумуш медали совриндорли, Ўзбекистоннинг энг кучли дзюдочиси Абдулла Тағриевни "Йилнинг энг яхши спортчиси" номинацияси ғолиблигига муносиб деб топишди. Бу бежиз эмас. Якунланаётган йил Абдулла учун ҳар жиҳатдан омадли келди. У Олимпиада

да ўйинларидаги муваффақиятидан ташқари, Германияда бўлиб ўтган жаҳон кубогига кумуш, Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионатида эса олтин медалини қўлга киритди.

Шунингдек, икки қарра Олимпиада ўйинлари ғолиби Артур Таймазов, Олимпиада ўйинлари совриндорлари Екатерина Хилько (трамполин), Ришод Собиров (дзюдо) ва футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда "Бунёдкор" клуби аъзоси Сервер Жепаровлар ҳам кўп овоз жамғаришга муваффақ бўлдилар.

"Энг яхши мураббий" номинацияси соврини футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини Осиё чемпионати бахсларида муваффақиятли қатнашиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини олишида муносиб хисса қўшган Аҳмад Убайдуллаевга насиб этди. Ўз навбатида, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "Энг яхши жамоа" номинациясида ғолиб, деб топилди.

"Йилнинг энг яхши спорт хомийси ва спорт фидойиси" номинациялари бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Исроил давлатида ўқув-йўғин машғулотларини ўтказётган футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси кун кеча биринчи ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.

Ҳамюртларимиз Исроил клублари терма жамоаси устидан 2:0 ҳисобида зафар кучишди. Тўплари Исроил Турсунов ва Мирзакамол Камоловлар киритди.

Энди Миржалол Қосимов шогирдлари 28 декабрь кuni Исроил ёшлар терма жамоаси билан учрашадилар.



Эмдулла ЖОНИБЕКОВ.

Тўрақўрғонда болалар кураш мактаби бор. Бугун унинг довури бугун мамлакатга ёйилган. Боси, спортчиларимизнинг белбоғли кураш бўйича халқаро беллашуларда эришяётган ғалабаларда мазкур маскан тарбияланувчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар кейинги беш йилнинг ўзида нуфузли мусобақалардан 120 тадан ортиқ олтин медал билан қайтишди.

КУРАШ – МАРДЛАР МАШҒУЛОТИ

Ана шу паҳлавонлардан бири, йигирма уч ёшли Рустам Умаров яқинда Африканинг Ломе шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган VII жаҳон чемпионатида шохсупанинг биринчи погонасидан ўрин олди. Бу — унинг жаҳон чемпиони рутбасини учинчи бор кийиши.

— Мактабда бизга, энг аввало, ҳалол олишишни ўргатишди, — дейди Р. Умаров. — Чунки спортнинг ўзи ҳалолликни ёқтиради. Ғалабага эришиш учун курашни чапдаст бўлиши, рақибни даст қўтариб ура олиши керак.

Мактаб фаолиятини бошлагандан буён ўтган беш йил ичида тарбияланувчиларнинг йигирма беш нафари спорт устаси, беш нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, деган шарафли

номга сазовор бўлди. Бу унвон жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндорларига берилиши эътиборга олинса, тўрақўрғонлик полвонларнинг нуфузли мусобақалардаги ўрни яққол кўзга ташланади. Ибратли томони шундаки, мазкур маскан битирувчиларидан 48 нафари йирик бахсларда ғолибликка эришгани учун мамлакат олий ўқув юртиларига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилинган.

Кураш — мардлар машғулоти, у ёшларни жасур, мақсад сари дадил интиладиган, қатъиятли инсон этиб тарбиялашда самарали спорт туридир. Тўрақўрғон кураш мактаби ўз тарбияланувчиларига Алломшдан мерос қолган ана шу олижаноб фазилатларни синдираётгани билан фахрланса арзийди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт

Гулистон шаҳридаги ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида жисмоний имконияти чекланган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, ҳозир бу ерда 100 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Муассасада ёшлар тарбияси ва реабилитацияси учун энг қулай шарт-шароитлар яратилган.



МЕҲР-МУҲАББАТ ОҒУШИДА

2008 йил — Ёшлар йили



Дам олиш хоналари, турли интеллектуал ўйинлар учун ажратилган махсус майдончалар, спорт мажмуаси, тиббий хизмат пункти шулар жумласидандир. Бундан ташқари ушбу масканда травматолог, логопед, психотерапевт сингари маълуми мутахассислар фаолият юритмоқдалар.

Бино қурилиши учун давлат бюджети ҳамда хомийлар ҳисобидан жами 235 миллион сўм маблағ сарфланди. Қолаверса, муассаса 125 миллион сўм эвазига тиббий ва ўқув асбоб-ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, мажмуа худудида тикув цехи учун махсус бино ажратилган. Унда фарзандини таълим муассасасига олиб келган оналар тикувчилик сирасорларини ўрганишлари мумкин.

— Қизимни шу боғчага бердим, — дейди Сурайё Эшонқулова. — Шу пайтгача бирор хунар ўрганиб, ишласам, рўзгоримга барока кирса, дердиму боламни уйда ёлғиз қолдиришмасдим. Мана, энди у ишончли қўларда, қизимдан хавотирим йўқ, бемалол касб ўрганишим мумкин. Фарзандларимиз ҳарорати инсоний раҳмрўйликлар оғушида униб-усаётганигидан биз, ота-оналар бениҳоя хурсандимиз.

Муҳаммад КАРИМ олган суратлар.

cell

"Omadi Yetti" xizmati
O'zingiz uchun omadi
"7" bilan boshlanuvchi raqamni tanlang va xizmatga ulaning!

Xizmatga 31.03.2009gacha ulanish mumkin.
 Xizmatlar ilonlanishiga ega (AA №0002348, O'ZAAA tomonidan berilgan) va O'zbekiston Respublikasi hududida "OSBOSOM" MChJ XK tomonidan taqdim etiladi.
 Batafsil ma'lumotlarni olov joylaridan hamda www.cell.uz saytidan olishingiz mumkin.
 Narxlar OQS bilan ko'rsatilgan. To'lov O'Z RB to'lov kunidagi kurs bo'yicha so'z mda amalga oshiriladi.

Орзиқиб кутилаётган Янги йил байрами тобора яқинлашмоқда. Шу кунларда ташкилот, корхона, маҳалла ва хонадонларда ушбу шодиёна кўтаринки рўнда қаршилашга қизгин ҳозирлик қўриляптир. Табиийки, барча-барчамиз байрамни яқинларимиз даврасида, тўкин дастурхон атрофида нишонлашга интиламиз. Аммо, шундай касб соҳиблари борки, улар туну кун, ҳатто дам олиш кунлари ва байрам тадбирларини ҳам иш жойида, эл хизматида ўтказадилар. Шифокорлар ана шундай фидойи ва масъулиятли касб эгаларидандир.

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ҲАМИША ХИЗМАТГА ШАЙ

Шу кунларда Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясида иш ҳар қачонгидан қизгин. Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Саидазим Азамжўаевнинг айтишича, шифокорлар аҳолидан тушаётган чақирқиларни ўз вақтида бажариш билан бир қаторда, байрам тадбирлари юқори савияда ўтишига қўмаклашиш мақсадида фаол иш олиб бормоқдалар. Бунда тез ва самарали иш юритиш учун тизимда барча шароит яратилган. Тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базаси тобора тақомиллашмоқда.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси ва унинг туманлардаги бўлимларида минг нафардан зиёд малакали врач ва ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатаптир. Тез ёрдам хизматида кунига икки мингдан зиёд мурожаат тушади. Бирор бахtsiz тасодиф натижасида жароҳатланган, оғир ва сурўнали хас-тиклик ҳуружидан азият чекиб, тез тиббий ёрдамга муҳтожлик сезган бемор ҳузурига қўмакка отланган тез ёрдам машиналарининг барчаси зарур дори-дармон ва тиббий воситалар билан тўла таъминланган.

— Мен қарийб 20 йилдан буён ушбу тизимда меҳнат қиламан, — дейди Юнусобод туман тез тиббий ёрдам станцияси бошлиғи Рохатой Юсупова. — Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини олиб борилаётган ислохотлар жарёнида иш шароитимиз тобора яхшиланмоқда. Жорий йил станциямизга янги русумдаги замонавий тез ёрдам машинаси келтирилди. У беморларга тез ва шохлиқин муолажа қилиш, шифо масканига зудлик билан етказишда талай афзалликларга эга. Халқ хизмати туну кун камрабаста бўладиган ана шундай масъулиятли соҳада ишлаётганимиздан беҳад мамнунимиз.

Тез тиббий ёрдам станцияси ходимлари байрамларни иш жойида қутлишга одатланган. Бу йилги Янги йил оқшомида ҳам одатдаги тартибда ишлайди. Аҳолидан тушаётган барча мурожаатларга биноан зудлик билан зарур тиббий ёрдам кўрсатилади. Шаҳар аҳли Янги йил байрамини яхши кайфият ва хурсандчилик билан қутиб олиши учун барча имкониятларини сафарбар этади.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникалар (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчилар)ни тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиғи (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни тақлиф этади.

МАКСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вақилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

«Саодат» журнали ва «Гулчехралар» газетаси жамоалари журнал Бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиевага ораси, олий тоифали ўқитувчи **Шарифа ҲОЖИЕВАНING** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Ўзнефтмаксулот» акциядорлик компанияси жамоаси компания махсус ишлар бўлими бошлиғи **Турсунбой Эргашевич ЮСУПОВNING** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзметвасабазавотузумсаноатлойтих» МЧЖ жамоаси бошқарув раисининг муовини Фаррух Билаловга ораси **Салхат БИЛАЛОВNING** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, Қасаба уюшма қўмитаси рус тили кафедрасининг катта ўқитувчиси Инобат Турсуновга турмуш ўртоғи **Аҳдхамжон ТУРСУНОВNING** вафот этганлиғи муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Автомобиль ва йўллар институти ректорати ҳамда жамоат ташкилотлари менежмент кафедраси доценти, ихтисод фанлари номзоди **Абдумалик АБДУРАҲМОНОВNING** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

ОАТ «Турон банк» жамоаси банкнинг бош ҳисобчиси Тургун Ўтановга ораси **Норқоил ЎТАНОВNING** вафот этганлиғи муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конучилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар **Жамшед Тогоев** ва **Муҳаммаддони Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов.
Навбатчи — Ф. Абдулов.
Мусасхалар — Х. Тохмўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 23.10